

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 371.042.3
371.921

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна

**МАХСУС ЁРДАМГА МУҲТОЖ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-
ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ
(ақли заиф ўқувчилар мисолида)**

13.00.03 - Махсус педагогика

Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2010

Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университетида бажарилган.

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳайдаров Мамат Эшқулович

педагогика фанлари доктори, профессор
Джураев Рисбой Ҳайдарович

педагогика фанлари доктори, профессор
Шарипова Диляра Джуманиязовна

Етакчи ташкилот: А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий
институтини

Диссертация ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети ҳузуридаги К.067.18.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган
кенгаш негизида ташкил этилган (ЎЗР ОАКнинг 2010 йил 17 майдаги 168-и
рақамли буйруғи) бир марталик кенгашнинг 2010 йил «_____» _____
соат_____да ўтадиган йиғилишида бўлади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел: (99871) 254-92-02. Факс: (99871) 253-73-92 e-mail: ikz_tdpu_uz@mail.ru

Диссертация билан Низомий номидаги ТДПУ кутубхонасида (Тошкент
шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй) танишиш мумкин.

Автореферат _____ йил «_____» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология фанлари
номзоди, доцент

Ш.Исаева

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятимиз олдида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган таълим тизимини янгилаш ва ёш авлодни замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол инсон этиб тарбиялаш, улар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришдек муҳим вазифаларни қўймоқда.

Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган, муайян касб-ҳунарга эга бўлган юксак салоҳиятли шахслар ҳал этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий дастурда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ва ўқув муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш каби масалаларга катта эътибор берилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади»¹ дейилишининг ўзи ҳам жамиятимизнинг ғоятда инсонпарварлигидан далолатдир.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида махсус мактаблар, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу муаммони фақат ўқув режасидаги соатлар сонини ошириш ёки камайтириш билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги табиий ҳолдир. Муаммони ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири таълим жараёнида ҳимояловчи кун тартибига риоя қилиш, ҳар бир ўқув предмети мазмунини тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаш, мураккаб материаллар такрорини имкон қадар камайтиришдан иборатдир.

Кейинги йилларда таълим тизимида, жумладан, махсус мактабларда махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни меҳнат ва касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан тўпланган тажрибаларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, меҳнат ва касб-ҳунар таълими мазмунини такомиллаштиришда Ўзбекистоннинг маҳаллий ва этнографик шароитлари, ушбу ўқувчиларнинг

¹Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. 26-бет.

жисмоний ёки рухий ривожланишидаги нуқсонлари ва уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинмаганлиги; азалдан ота-боболаримиз томонидан улуғланиб келинган миллий халқ ҳунармандчилигига бўлган эътиборнинг камлиги; собиқ иттифоқ даврида махсус мактабларда ўғил болалар чилангарлик, токарлик, дурадгорлик, киз болалар эса тикувчилик ҳунарига ўргатилганлиги, мустақилликка эришилганидан сўнг миллий ҳунармандчиликка эътибор кучайганлиги; махсус мактабларда касб-ҳунар таълими бўйича илмий-назарий ва методик қўлланмаларнинг етарли даражада эмаслиги кабилар махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда меҳнат кадриятлари ва касб-ҳунар ҳақида чуқур билим, малака ва кўникмаларнинг етишмаслигига олиб келди.

Муаммонинг долзарблиги:

- ақли заиф ўқувчилар учун босқичма-босқич, жисмоний ёки рухий ривожланишидаги хусусиятларига кўра меҳнат малакаларини шакллантириш бўйича ўзбек тилида дарслик ва методик қўлланмаларнинг камлиги;

- махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда ўқувчилар шахсининг педагогик-психологик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги;

- махсус мактаблар таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида собиқ иттифоқдан олинган дастурлар асос бўлиб, миллий ҳунармандчиликка, улардан фойдаланган ҳолда дастлабки меҳнат кўникмаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилмаганлиги;

- меҳнат ва касб-ҳунар таълим-тарбиясига ҳудудий шароитдан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашилмаганлиги;

- авлод-аждодларимизнинг касб-корини, анъаналарини ўрганиш, уни давом эттириш ва уларга қизиқиш уйғотилмаганлиги;

- махсус мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари учун меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш тизимининг объектив эҳтиёжлари ва уларни қаноатлантириш ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги;

- махсус мактаблар ўқувчиларини меҳнат анъаналари воситасида тарбиялаш ва махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан республикамізда махсус илмий тадқиқот ишларининг йўқлиги билан ҳам белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммога доир тадқиқот ишларини ўрганиш, уларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш асосида маълум бўлдики, махсус мактаблар ўқувчиларини меҳнатга ва касб-ҳунарга тайёрлаш мукаммал тадқиқ этилмаган.

Амалга оширилган ишлар сирасига махсус мактабларда ақли заиф ўқувчиларнинг жисмоний ёки рухий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, улар нутқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид тадқиқотларни киритиш мумкин. Шунингдек, махсус мактабларда меҳнат таълимини ташкил этиш ва махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига раҳбарлик қилиш масалаларига доир бирмунча тадқиқотлар олиб борилган, аммо бу ишлар МДХ мамлакатларида яратилганлиги учун уларда биздаги маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган.

Ақли заиф ўқувчилар меҳнاتини самарали ташкил этиш ва уларни касбга йўллаш борасида Россиялик олимлардан Г.Н.Мерсиянова, Г.М.Дульнев, В.И.Антипов, С.Л.Мирский, Е.А.Ковалева, В.Ф.Мачихина, Н.П.Павлова, И.П.Фрейтаглар; латвиялик олимлар Я.Я.Кравалис, В.И.Карвялислар; белоруссиялик олим В.А.Шинкаренколар илмий изланишлар олиб борганлар.

Республикамизда ақли заиф болаларга таълим-тарбия бериш, уларнинг нуқсонларини йўқотиш, оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари каби масалалар С.Ш.Айтметова, Л.Р.Мўминова, И.Г.Радишева, Ғ.Б.Шоумаров, Д.А.Гордиенко, С.Г.Ким, А.Соатов, В.С.Рахмонова, А.В.Соседова, З.Б.Эм, Г.А.Содиқова, Р.Ш.Шомахмудова, П.М.Пўлатова, Д.А.Нуркелдиева, М.П.Хамидова, Л.Ш.Нурмухамедова, Ш.М.Амирсаидоваларнинг изланишларида тадқиқ этилган.

Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга тайёрлашга доир ўқув-методик адабиётлар анчагина, аммо махсус таълим муассасаларида махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга тайёрлашга бағишланган адабиётлар, тадқиқотлар деярли йўқ.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда ақли заифликнинг келиб чиқиш сабаблари, нуқсонли бор ўқувчиларнинг ривожланишидаги ўзига хосликлари, бундай ўқувчиларга бериладиган таълим-тарбия билан боғлиқ баъзи диссертациялар ҳимоя қилинди, ўқув-методик адабиётлар чоп этилди.

Болалардаги нутқий камчиликни ўрганиш ва уни бартараф этиш муаммоси Л.Р.Мўминова, И.Г.Веретенникова, З.В.Бабаева, М.Ю.Аюпова, Х.М.Пўлатова, Н.Х.Раҳмонқуловаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга тайёрлаш муаммоси А.Ш.Мағдиев, Т.Ж.Исмоилов, Г.М.Музаффарова, А.К.Низомов, Э.Т.Рўзиев, А.Ю.Тешабоев, С.Б.Умаров, Ў.Д.Хидиров, П.Н.Холматовларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

М.Г.Давлетшин, А.И.Воробьев, П.Т.Мағзумов, У.Н.Нишоналиев, А.Қ.Минавваров, Р.А.Мавлонова, Д.Ж.Шарипова, А.Хаитов, Б.Р.Қодиров, Ҳ.Ф.Рашидов, Р.Ҳ.Джураев, Н.С.Сайидахмедов, А.Р.Хўжабоев, М.Э.Ҳайдаров, Ў.Толиповларнинг меҳнат ва касб-хунар таълимини такомиллаштириш бўйича олиб борган тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда халқнинг миллий анъаналаридан фойдаланиш, ўқувчиларни меҳнат воситасида ахлоқий тарбиялаш масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Булар: С.Очилов, О.Мусурмонова, М.Иномова, С.Нишонава, У.Маҳкамов, Э.Сейтхалилов, Р.Ш.Аҳлидинов, Н.Ортиқов, Ш.А.Абдуллаеваларнинг докторлик диссертациялари, Қ.Ш.Боймиров, Ш.К.Жўраев, Р.С.Шермухамедов, С.И.Мусаева, А.А.Раҳматуллаев, О.Р.Жамолиддинова, З.С.Очилов, Ҳ.Р.Санақулов, Р.З.Асанова, И.Исламов, Н.Р.Ашуровларнинг номзодлик диссертацияларидир.

Ҳамдўстлик мамлакатларида А.Б.Абибуллаева, Ю.К.Бабанский, Э.А.Байдалинова, Л.Л.Бурлякова, В.П.Бутковский, Б.С.Гершунский, В.А.Грачиковларнинг ишларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини меҳнат ва касб-хунарга тайёрлаш масаласи тадқиқ этилган.

Тадқиқотларни ўрганиш ва уларни таҳлил этиш натижасида ўқувчиларни меҳнат ва касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни тизимли ёндашишни талаб қиладиган ўта мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-педагогик муаммодир деган хулосага келдик.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларга касб-ҳунар таълимини бериш даражасини ошириш узлуксиз таълим тизими барча бўғинларининг ўзаро ҳамкорлиги ва амалий-методик ишларнинг изчиллигига боғлиқ. Махсус мактаблар шароитида таълимнинг самарали шакл ва усуллари излаб топиш, ўқув режаси ва дастурларни қайта ишлаб чиқиш, ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат ва касб-ҳунарга тайёрлаш фаолиятини кучайтириш, зарурий шарт-шароитларни яратиш кабилар ҳозирда алоҳида долзарблик касб этади.

Эндиликда махсус таълим муассасаларидаги шароит тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ бу фаолиятни, муайян натижаларга олиб келувчи жараёнларни илмий асосда махсус ташкил этиш зарур. Ҳозирда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашни уларнинг қизиқишлари билан боғлаб олиб бориш зарурати юзага келди. Бу муаммони ҳал этишда ўқув предмети мазмуни ва унинг махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларга мос педагогик, психологик ва методик жиҳатларини ҳисобга олиш лозим.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Коррекцион педагогика», «Махсус таълим методикалари» ва «Педагогика» кафедраларининг илмий-тадқиқот режалари мақсади ва вазифаларига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади – махсус ёрдамга муҳтож, хусусан, ақли заиф ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари ва самарали тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1) махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни:

а) касб-ҳунарга тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;

б) касб-ҳунарга тайёрлаш тизимини ва амалиётдаги мавжуд аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

2) махсус мактаблар меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-методик тайёргарлиги даражасини аниқлаш:

а) касб-ҳунарга тайёрлашда миллий меҳнат анъаналари тажрибаларидан фойдаланиш;

б) касб-ҳунарга тайёрлашда оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлаш;

в) касб-ҳунарга тайёрлашда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

3) махсус мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари, махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар учун методик комплекс ишлаб чиқиш ва педагогик тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти – махсус мактабларнинг 4-9 синф ўқувчилари ва ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежининг 1-2 босқич ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш йўллари, мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг методлари:

- педагогик тажриба-синов;
- савол-жавоб, суҳбат, сўровнома, кузатиш;
- математик-статистик таҳлил;
- натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Агар:

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш муаммоси назарий-методологик асосга эга бўлса;

- уларни меҳнат ва касб-хунарга йўналтиришда ўқув фанлари мазмунининг психологик, педагогик асослари аниқланса;

- улар миллий касб-хунарларга таълим-тарбия жараёнида ўргатилса ва ўқувчиларни тарбиялашда меҳнат анъаналари тажрибаларидан самарали фойдаланилса;

- махсус таълим муассасалари меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-методик тайёргарлиги талаб даражасида бўлса;

- уларга касб-хунар таълими беришнинг самарали йўллари, қулай шарт-шароитлари яратилса;

- махсус мактаблар ва ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежлари меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари учун илмий асосланган педагогик тавсиялар ишлаб чиқилса, республикамізда ақли заиф болаларни касб-хунарга тайёрлаш самарадорлиги ошади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- махсус таълим муассасалари шароитида ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-методик ҳолати;

- махсус мактабларда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни:

- а) касб-хунарга тайёрлашнинг психологик-педагогик хусусиятлари;
- б) таълим-тарбия жараёнида миллий янги касб-хунарларга ўргатиш;
- в) касб-хунарга тайёрлаш тизими;
- г) касб-хунарга тайёрлашда оила ва мактаб ҳамкорлиги;

- махсус таълим муассасаларида махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнат таълими ва касб-хунарга тайёрлашнинг методик таъминоти.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Махсус мактаблар, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежларидаги ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди.

2. Махсус ёрдамга мухтож ақли заиф ўқувчиларнинг касб-хунарни танлашга бўлган қизиқишининг юзага келиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланди.

3. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда психологик-педагогик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, касб-хунарга тайёрлашнинг методик таъминоти; ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари учун ДТС, ўқув режа,

ўқув дастурлар, методик тавсияномалар, дарс ишланмалари ва ўқув қўлланмалар яратилди.

4. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда халқ хунарамандчилигидан самарали фойдаланилди.

5. «Ошпаз-қандолатчи», «Кенг ассортиментдаги кўйлақлар тикувчиси» каби янги мутахассисликлар ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари ўқув режасига киритилди.

6. Махсус таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланди.

7. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги таъминланди.

8. Махсус таълим муассасаларининг меҳнат таълими ўқитувчилари учун ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашга доир, таълимнинг узвийлигини таъминлаш борасида педагогик тавсиялар ишлаб чиқилди ва махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг самарали тизими яратилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-назарий жиҳатлари асосланди, қиёсий таҳлил асосида бундай ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари аниқланди ҳамда касб-хунарга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари белгиланди. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган умумпедагогик ва методик тавсиялардан халқ таълими тизимидаги махсус мактаб ва ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи ўқитувчилари фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртининг дефектология йўналиши бўйича бакалаврларда ўтиладиган «Олигофренопедагогика», «Олигофрено-психология», «Меҳнатга ўқитиш махсус методикаси», «Психик ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бор болалар диагностикаси» фанларини ўқитишда, махсус курс ва семинарларни ўтказишда, мазкур соҳа бўйича Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва махсус мактаблар учун дастур ва дарсликлар тайёрлашда олимлар ҳамда халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

Натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Навоий вилоятидаги махсус мактаблар ва мактаб-интернатларнинг метод бирлашмаларида, Навоий давлат педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида қилинган маърузалар орқали, диссертациядан олинган натижалар ўқув дастурлари, методик тавсияномалар кўринишида Тошкент ва Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида, 1-2 синфларнинг «Қўл меҳнати» дарслиги, 3-4 синфлар учун «Қўл меҳнати» ўқув қўлланмаси воситасида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республикадаги барча махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар ўқув амалиётига татбиқ этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни Тошкент, Ўш, Навоий ва Урганч шаҳарларида ўтказилган халқаро ва Республика миқёсидаги ва илмий-амалий конференция ва семинарлар (1998, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007, 2008 йиллар) да, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Дефектология» факультети қошидаги «Коррекцион педагогика», «Махсус таълим методикалари» ҳамда «Педагогика ва психология» факультети қошидаги «Педагогика» кафедраларининг қўшма йиғилишида (2008 йил 17 сентябрь), шу университет ҳузуридаги К.067.18.02. рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий-методологик семинарда (2008 йил 25 декабрь) ва илмий семинар йиғилишида (2009 йил 24 март) муҳокама қилинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига доир 44 та илмий-назарий ва илмий-методик ишлар: 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 1 та дастур, 1 та дарслик, 5 та методик тавсиянома, илмий-услубий журналларда 19 та, чет эл журналларида 3 та илмий мақола ҳамда илмий-назарий конференция материалларида бир қатор тезислар нашр қилинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 309 саҳифани ташкил қилади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади, объекти, предмети, илмий фарази, концепцияси, вазифалари, методологик асоси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот босқичлари, натижаларнинг ҳаётга жорий этилиши, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар берилган.

«Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобда махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг илмий-назарий ва методологик асослари, унинг психологик, ижтимоий-педагогик жиҳатлари, бундай ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда меҳнат анъаналаридан фойдаланиш каби масалалар хусусида сўз юритилади.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, маълум бир касбга йўналтириш махсус таълим муассасаларининг асосий вазифаларидир. Ушбу ўқувчиларнинг ривожланишидаги умумий хусусиятлар уларнинг билиш ва англаш жараёнининг бузилиши ва ривожланмаганлиги билан белгиланади. Шунга кўра ҳам махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида махсус таълим муассасаларининг олдида ягона мақсад - нуқсонли ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиш фаоллигини ошириш масаласи туради. Ҳозирда махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиш, меҳнатга, маълум касб-ҳунарга ўргатиш муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ақли заиф болалар нутқининг меъёрида ривожланаётган тенгдошлари нутқига нисбатан анча кеч ривожланиши ва уларга таълим-тарбия бериш муаммолари ҳақида Л.С.Виготский, А.Занков, С.Я.Рубинштейн, Х.С.Замский,

А.Н.Граборов, Т.Н.Головина, М.С.Певзнер, В.И.Лубовский, В.Г.Петрова, Т.А.Власова, И.Г.Еременко, В.В.Воронкова, Р.И.Лалаева, Н.Н.Школьникова, А.М.Щербаковалар диссертациялари ҳамда қўлланмаларида муҳим маълумотлар беришган.

Республикамизда ақли заиф болаларни коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан С.Ш.Айтметова, Д.А.Гордиенко, Р.Шомахмудова В.С.Рахмонова, П.М.Пўлатовалар шуғулланишган.

Рухий ривожланишида нуқсони бор болалар муаммоси Л.В.Кузнецова, Ғ.Б.Шоумаров, К.Қ.Мамедовларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Ғ.Б.Шоумаров интеллектуал ривожланиш даражаси асосида болаларни уч гуруҳга ажратади ва уларнинг руҳий хусусиятларини ҳамда дифференциал ташхис этиш масалаларини ўрганади.

Илмий-назарий ва методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, махсус ёрдамга муҳтож болаларни касб-хунарга тайёрлашнинг айрим жиҳатларигина ўрганилган. Махсус адабиётларда турли хил нуқсонларга эга бўлган ўқувчиларга меҳнат таълими беришнинг мазмуни, шакли, методлари тадқиқ этилган, аммо янги ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида ақли заиф ўқувчиларни маълум касб-хунарга тайёрлаш жараёни тадқиқ этилмаган. Махсус мактабларда махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг касбга йўналганлиги, уни ташкил этиш методикаси, маълум касбни мустақил эгаллаш технологияси илмий жиҳатдан асосланмаган.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг нуқсонлари аста-секинлик билан коррекция қилиб борилади. Ушбу жараён уларнинг мактабдан кейинги мустақил ҳаётни бошлашга, меҳнат қилишга, касб-хунар танлашга ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак. Уларга таълим-тарбия беришда ва уларни касб-хунарга тайёрлашда умумижтимоий ҳамда коррекцион масалалар махсус мактабларда ҳал қилиниши керак.

Юқорида айтилганидек, меҳнат ва касб-хунар таълими коррекцион-тарбия масалалари билан биргаликда ечилади. Айтиб ўтилган меҳнат турлари махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзлаштирилишида қийинчилик туғдирмайди. Умуман, ушбу жараёнда ҳар бир ёрдамга муҳтож ўқувчининг руҳий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлари, уларнинг психофизиологик ривожланиши албатта, ҳисобга олинади.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар ҳар қандай ижодий фаолиятга, шу жумладан, касб-хунар эгаллашга ҳам ўрганишлари зарур. Инсон маълум билимлар тизимини эгаллаши учун узоқ вақт катта бир босқични босиб ўтиши шарт. Билимнинг пухта ўзлаштирилиши шу билим ва малакаларнинг мураккаблик даражасига, ўрганиш усуллари, инсоннинг шахсий психофизиологик хусусиятларига боғлиқ.

Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тайёрлашда уларнинг касб-хунарга эга бўлиши ғоят муҳимдир. Чунки инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат фаолияти билан алоқадор. Зеро, меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ҳамда ижтимоий тараққиётнинг негизидир. Касб-хунарга тайёрлашда меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг таркибий қисми, шунингдек, боланинг ҳар томонлама шаклланиши, унинг шахс

сифатида улғайиш омили ҳамдир. Мунтазам меҳнат жараёнидагина боланинг ақли, иродаси, ҳиссиёти, характери ривожланиши, шахс сифатида шаклланиши мумкин. Кейинги йилларда республикамизда қабул қилинган қонунларда ҳам ўқувчи-ёшларни меҳнатга тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Касбга доир маслаҳатларда махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг касб-хунар танлашда хатога йўл қўймаслиги, бу борада ўз қобилиятини тўлиқ намоён қилиши учун шароит яратиш лозимлиги асосий вазифа қилиб қўйилди. Касб-хунарга доир маслаҳатлар махсус мактабларнинг битирувчи синфлари билан босқичларга бўлинган ҳолда таълимнинг барча даврларида ўтказиб турилди.

Махсус мактаблардаги касб-хунарга доир маслаҳатлар қуйидаги кўринишларга эга:

1. Ташкилий маслаҳатлар (маълумотнома).
2. Тиббий маслаҳат.
3. Психологик-педагогик маслаҳат.

Психологик маслаҳатлар тизимида суҳбатлар, аниқланган қизиқишни рағбатлантириш ва ривожлантиришга ёки, аксинча, хато, кераксизларини тўхтатиш ҳамда муайян касбга доир қизиқишни бошқа йўналишга солиб юборишга қаратилган бўлади. Бунда тушунтириш, ишонтириш, рағбатлантириш ва жазолаш каби усуллардан фойдаланиш зарур.

Меҳнатга психологик, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ақли заиф ўқувчида меҳнатсеварлик, интизомлилик, шижоаткорлик каби ахлоқий-иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради, меҳнат қилиш кўникмалари ҳосил бўлади. Ўқувчилар меҳнати дастлаб оилада, кейин эса махсус таълим муассасаларида амалга оширилади. Бу жараёнда ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс каттадир.

Меҳнат таълими эса худди ана шу амалий томонни ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб-хунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

Махсус мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўтадиган меҳнат таълими дарсларида улар нутқининг ривожига боғлиқ иш янада мураккабдир. Амалиётда юқори синф ўқувчилари ўз ишлари ҳақида на оғзаки, на ёзма гапириб бера олмасликларини кузатиш мумкин. Текширишлар натижасида ўқувчиларнинг ўз ишлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш қобилияти билан уларнинг меҳнатидаги мустақиллик орасида мувофиқлик борлиги аниқланди. Ўз меҳнат вазифасини янада мустақил бажарувчи ўқувчилар ўзлари бажарган ишлари ҳақида тўлароқ ва яхшироқ ҳикоя қилиб берадилар. Маълумки, меҳнатдаги мустақиллик онг, нутқ ва амалий ҳаракатлар орасидаги боғлиқликнинг муайян даражасини белгилаб беради.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун, биринчидан, уларнинг таълим олишида тегишли шароитлар яратиб бериш, иккинчидан, ўқувчини мустақил равишда ишлашга ўргатиш, учинчидан, мустақил фикрлашни ва мустақилликка интилишни уйғотиш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун эса уларда тегишли ички интилишни

вужудга келтириш, яъни берилган меҳнат топшириқларини бажаришга мустақил, ижодий тарзда ҳаракат қилишини ҳаётий муҳим вазифага айлантириш лозим. Шундагина махсус мактабларда таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг нутқий тайёргарлигига, мустақил фикрлаш малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият самарали бўлади.

Табиийки, махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда меҳнатга меҳр-муҳаббат ҳисси ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уларда бундай ҳолат ва қизиқиш аввал оилада, ота-онанинг шахсий намуналари асосида, кейинчалик эса мактабда ёки ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган меҳнат ва касб-ҳунар таълими дарслари, дарсдан ташқари турли тадбирлар орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу шарқ халқларининг асрлар давомида ардоқланиб келаётган меҳнатсеварлик анъаналари тўғрисида кенг тушунча бериш орқали ҳам таркиб топтирилади.

Бугунги кун ўқувчи ёшларимизга ҳозирги ҳаётимизга етиб келгунга қадар авлод-аждодларимиз ўз тарихида жуда кўп машаққатларни бошидан кечирганликлари, кийин меҳнат, тежамкорлик асосида ўз бахтини яратганликлари ҳикоя қилиб берилди. Ўтмишда яшаб ижод этган Мусо ал – Хоразмий (783-850), Абу Наср ал-Фаробий (870-950), Абу Райҳон Беруний (978-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Саъди Шерозий (1184-1292), Алишер Навоий (1441-1501), Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) каби мутафаккирлар меҳнатсевар бўлганликлари, инсон бахт-саодати йўлида, меҳнат аҳли манфаатини кўзлаб кўпгина муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатганликлари алоҳида таъкидланди. Ўтмишдаги мутафаккирлар тўғрисида фақат назарий маълумот бериб қолмай, уларнинг илму-маърифат борасидаги амалий ҳаракатларидан ҳам жонли мисоллар келтирилди. Бу ақли заиф болалардаги амалий кўникмаларнинг тезроқ шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Умуман, буюк мутафаккирларнинг меросини ўрганиш, уларнинг асарларини, фалсафий фикрларини тарғиб қилиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Улар меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тежамкорлик, тадбиркорлик, фаровон турмушнинг барқарор асоси деб таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари ва меҳнат тажрибаларини тарғиб қилган буюк мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш ва шу асарлар орқали ўсиб келаётган ёш авлодда меҳнатсеварлик хислатларини шакллантириш уларда ақлий етуклик, одоб-ахлоқ, жисмоний бақувватлик, поклик фазилатларининг вужудга келишини таъминлайди. Улуғ аждодларимизнинг сермаъно ва сермазмун ўғитлари, пандномалари, ҳикматномалари ҳамда халқ анъана ва урф-одатларидан дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий машғулотларда унумли фойдаланиш махсус таълим муассасалари ўқитувчи-тарбиячиларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Узлуксиз таълим тизимида мактабни инсонпарварлаштириш болага бўлган муносабатнинг моҳиятини ва тавсифини ўзгартиришдангина иборат бўлмай, балки шахсда инсонийликни - инсоний қадр-қиммат, хушхулқлик, меҳр-шафқатлилик, раҳмдиллик, ғамхўрликни таркиб топтиришга боғлиқдир.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни алломаларимиз фикрлари ва халқ анъана, урф-одатлари асосида меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- меҳнат таълими хоналарида ва устахоналарда буюк мутафаккирларнинг касб-ҳунарга ва меҳнатсеварликка чорловчи доно ўғитларининг мавжудлиги;

- ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда шарқона касб-ҳунар тарбиясига алоҳида эътиборни кучайтириш ва унинг махсус таълим тизимидаги ўрнини белгилаб олиш;

- меҳнатсеварлик тарбиясига оид мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш жараёнида ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

- махсус мактаб ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун ўқитувчининг ўзи ўзбек ва шарқ мутафаккирларининг ижоди ва асарлари билан таниш бўлиши;

- синф ва дарсдан ташқари машғулотларда махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда халқ анъаналари ва урф-одатларини ақлий жиҳатдан ҳис қила олишларига таъсир этадиган меҳнатсеварлик хусусиятларини шакллантира бориш;

- фойда келтирадиган меҳнатни ташкил қилишда махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларни меҳнатга қизиқтириш ва меҳнат жараёнида меҳнат аҳлини ҳурмат қилишга ўргатиш.

Демак, ўтмишдан бизга мерос бўлиб келаётган меҳнат анъаналарининг ўзига хос таълим-тарбиявий имкониятлари, миллийлик хусусиятлари, устоз-шогирд анъаналари ўртасидаги ахлоқ-одоб мезони махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг касб-ҳунарни эгаллашга бўлган меҳр-муҳаббатини ўстиришда муҳим рол ўйнайди. Қадим-қадимдан шаклланиб, такомиллашиб келаётган ўзбек ва Шарқ халқлари анъаналаридан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги тажрибаларда тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг педагогик тизими**» деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни коррекцион ривожлантиришда меҳнатнинг ўрни ва касб-ҳунарга тайёрлаш муаммосига қаратилади.

Махсус ёрдамга мухтож болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун уларнинг меҳнатда онгли равишда иштирок этишини таъминлаш зарур. Шундай қилингандагина ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлашлари учун муайян шарт-шароитлар юзага келади.

Махсус мактаб ўқувчиларини касб-ҳунар таълимига тайёрлаш мактаб жамоаси учун баъзи қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш мактаблар амалга ошириши зарур бўлган вазифаларни белгилаб чиқишни талаб этади. Уларни ижобий ҳал этиш учун:

- касб-ҳунар таълимига тайёрлаш орқали бажарилган барча ишлар мазмунини ўқувчиларнинг тўғри англаб олишлари учун маълум педагогик вазият яратилган ва ўқувчиларнинг фаолияти мустаҳкам бўлишига эътибор қаратилган;

- махсус ёрдамга мухтож болаларнинг меҳнат ва касб-хунарга муносабатларини тўғри шакллантириш фойдали ишларни мустақил равишда бажариш билан яқунланган бўлиши лозим. Бундан ташқари ўқувчиларнинг ёшлик чоғида бажарган ишлари келажакда уларнинг касб-хунар эгаллашларида ҳам ўз аксини топиб боришига хизмат қилиши лозим;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг касб-хунар танлашларида оналар доимо хабардор бўлишлари, шахсий мулоҳазаларини, фикрларини синф раҳбарига ёки меҳнат таълими ўқитувчисига ўз вақтида етказиб туришлари муҳим;

- махсус мактабларда ўқувчиларнинг дарсдаги ва дарсдан ташқаридаги меҳнатининг тўғри ташкил этилиши, уларнинг таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш ва онгли равишда касб-хунар танлашлари учун зарур бўлган барча муаммоларни тўғри ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг меҳнат ва касб-хунарга онгли муносабатларини тўғри ташкил қилиш, уларда ҳам руҳий, ҳам педагогик ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Бундай ўзгаришлар эса ўқувчиларнинг меҳнат, ўқиш ва ўйин фаолиятларида ўз аксини топади.

Уларнинг ўзлари ҳам касб-хунар танлаш тўғрисида маълум тушунчаларга эга бўлиши зарур. Бундай тушунчалар ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилияти ва интилишига мос бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат ва касб-хунарга руҳий тайёргарлик боланинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан шаклланишига хизмат қилади. Болаларни меҳнатга руҳий жиҳатдан тайёрлашда, биринчидан, уларнинг жисмоний қобилиятини ўстириш ва ривожлантириш, иккинчидан, болаларнинг руҳий жиҳатлари, қизиқиш ва малакалари, ахлоқий жиҳатлари ва умумий хусусиятлари назарда тутилади.

Махсус ёрдамга мухтож болаларнинг ишчи ҳаракатлари шаклланиши ҳақида маълумотга эга бўлиш учун меҳнат таълими машғулотлари бўйича имтиҳонлардаги назорат амалий ишларини кўриб чиқиш мумкин. Меҳнат ва касб таълими бўйича имтиҳонларда махсус мактаб ўқувчиларига газламашунослик ва тикувчилик технологияси бўйича 2-3 саволдан ташқари соф амалий вазифалар берилади: Масалан, ёстиқ жилдини тикиш (тикувчилар учун), арра сопини тайёрлаш (дурадгорлар учун), тўғри ва кўндаланг кесимдаги деталларни тайёрлаш (чилангарлар учун), таом тайёрлаш технологиясини ўрганиш (пазандачилар учун).

Умуман олганда, битирувчиларнинг аксарияти ишчи билимларга эга. Ўқувчи қизлар ўзбек миллий каштачилиги, қўл чокларини тикиш ва тикув машинасида ишлаш қоидаларини ўзлаштириб олганлар. Дурадгорликка ўқиган болалар ранда, арра каби назорат-ўлчов асбобларини тўғри ишлатадилар. Чилангарликка ўқиган болалар эса темирни кесиш билимларига эга ва қўл ҳамда ўлчов асбобларидан тўғри фойдаланадилар. Пазандачиликда ўқийдиган болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида умумий маълумот оладилар, миллий таомларнинг турлари ва тайёрлаш технологиясини ўрганадилар, ушбу жараёнда қўлланиладиган жиҳозлар билан танишиб борадилар. Бундай ҳолат махсус мактаб ўқувчиларининг қишлоқ хўжалиги меҳнатига оид билимларни эгаллашларида ҳам кузатилди.

Ихтисослашган касб-ҳунар коллежида эса «Кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси» мутахассислигига тайёрлашда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари билан танишадилар. Миллий кийимлар моделини яратишни, конструкциясини куришни, хом ашё ва газламаларни қабул қилиш ва уни бичишга тайёрлаш каби жараёнларни ўрганадилар. «Ошпаз-қандолатчи» мутахассислигидаги ўқувчиларга умумий овқатланиш корхоналари учун зарур бўлган таом ва пазандачилик маҳсулотлари тайёрлашнинг асосий жараёнлари ўргатилади.

Шундай қилиб, махсус мактаб махсус ёрдамга муҳтож болаларда меҳнат қобилиятининг ошишига ёрдам берди. Албатта, ёрдамга муҳтож болаларда бу қобилиятга эга бўлиш бирмунча секин шаклланади, ишчи билимларнинг автоматлашуви сустроқ кечади.

Уларда меҳнатга, меҳнаткашларга чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиш учун меҳнат таълими дарсларининг, синф ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган тадбирларнинг роли бениҳоя каттадир. Тажрибаларнинг тасдиқлашича, бу борада самарали натижаларга эришиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга, мактаблар, мактаблараро ўқув устахоналари ва корхоналаридаги унумли меҳнатга фаол жалб қилиш;

- уларни ёш хусусиятлари ва билиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда илмий билишнинг умумий ва хусусий методлари ва шакллари билан курулантириш;

- меҳнат ва жасоратга чорловчи халқ оғзаки ижоди намуналари билан таништириш;

- махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар билан корхона, муассаса, жамоа, давлат хўжаликлари ва ташкилотлари тарихини, улардаги донгдор кишиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига доир материалларни ўрганиш;

- мактабларда «Меҳнат кишини улуғлайди» деган бурчак (хона) ташкил қилиш;

- ишлаб чиқариш илғорлари, яратувчи-бунёдкорлар, меҳнат фахрийлари билан мунтазам учрашувлар ўтказиш.

Махсус мактаблар ва мактаб-интернатларни битирувчи ўқувчилар кўпинча ўзларининг ҳаёт йўллариини белгилашда, касбга лаёқатларини аниқлаб олишда, касб-ҳунарни тўғри танлашда қийналадилар. Касб-ҳунар танлашда хатога йўл қўйган ва ўз касбига меҳр қўймаган ўқувчи қилаётган ишидан қаноат ҳосил қилмайди. У ўзи бажараётган ишни қандайдир кун кечириш воситаси деб билади. Шунга кўра ўқувчининг танлаётган касбини хатога йўл қўймаган ҳолда тўғри аниқлаши шахсий масала бўлиб қолмай, балки ижтимоий муҳим масала ҳамдир.

Меҳнат таълимининг энг катта камчилиги унинг касб-ҳунарга муддатли йўналганлигидир. Бу ҳозирги 9 йиллик таълимда ҳам сақланиб қолган. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар ёш таркибининг ҳар хиллиги мавжуд меҳнат таълими муаммоларини юзага чиқармоқда. Махсус мактабни тамомлаган ўқувчилар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлай олмасликлари мумкин. Шунга

кўра, тажриба-синов жараёнида мавжуд меҳнат таълимига қўшимчалар киритиш зарурияти пайдо бўлди. Дастлабки тайёргарлик ва касб-ҳунар танлаш босқичлари қаторига касбга йўллаш босқичини ҳам киритиш зарур бўлди. Аниқроғи, махсус ёрдамга мухтож болаларнинг меҳнат таълими 3 асосий босқичдан иборат деб белгиланди:

1. Дастлабки тайёргарлик.
2. Касб-ҳунар танлаш.
3. Касбга йўллаш (профориентация).

Меҳнат таълимининг ҳамма босқичларида болаларни коррекцион ривожлантириш мақсадида уларнинг билим олиш фаолиятини, жисмоний ва руҳий ривожланишидаги хусусиятларини ҳисобга олган педагогик усуллар қўлланди.

Тайёргарлик босқичи ҳозирги даврда 1-4-синфларнинг қўл меҳнати дарсларида амалга оширилди. Бу даврларда мавжуд ўқув режасига кўра ҳафтасига 2 соат вақт ажратилди. Маълумки, умумтаълим дарсларида қўл меҳнатидан методик усул сифатида етарли даражада фойдаланилмаётибди. Қўл меҳнати ёрдамида болалар нутқи ўстирилди ва арифметикага доир тасаввурлари шакллантирилди.

Махсус мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунарга лаёқатлилигини ўрганиш дастури 2 асосий бўлимдан иборат:

1. Ўқувчиларга оид шифокор кўриги маълумотлари.
2. Ўқувчиларга оид касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази маълумотлари.

Биринчи бўлимда ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчининг соғлиғи ва жисмоний ривожидан ташқари, унинг ҳаракатига доир шифокор маълумотлари ўрганилди. Бунда, тажрибаларда аниқланганидек, ҳаракат ҳолатларининг оғзаки йўриқлар орқали амалга оширилишига эътибор қаратилди (масалан, бадан тарбия комплекси). Бу жараёнда ўқувчининг у ёки бу ҳаракат тезлигини эгаллаши, унинг ҳаракатидаги қийинчиликлар, асаб тизимининг хусусиятлари қайси ҳолатдалиги кўрсатилиши шарт қилиб қўйилди.

Иккинчи бўлимда ҳар бир махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг психологи, синф раҳбари ҳамда касбга йўналтирувчи мутахассислар ҳамкорлигида 1-9-синф ўқувчилари учун ўқув йили бошланишида индивидуал равишда психологик-педагогик ташхис дафтари тутилди. Ушбу дафтарда ўқувчини ҳар томонлама ўрганиш натижалари, яъни унинг жисмоний, маънавий-руҳий, ақлий-умумий ривожланишидаги ўзгаришлар босқичма-босқич узлуксиз қайд этиб борилди.

Тажриба-синов ишларида махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг корхоналардаги ишлаб чиқариш амалиётига ҳам катта эътибор берилди. Махсус мактабнинг ўқув режасида 8-9-синфларда ишлаб чиқариш амалиётига 4 ҳафтагача вақт ажратилган. Касб-ҳунар таълимига ишлаб чиқариш амалиётини ҳам киритган мактаблар тажрибаси бу бўғиннинг тарбиявий босқичда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида тажриба-синов ишини ташкил этишга тайёргарлик ўқув режаси ва ўқув дастурини ўрганишдан

бошланди. Бу ҳужжатлар билан танишилгач, гуруҳ ўқувчиларида меҳнатнинг қайси тури бўйича қандай ҳажмда умумий меҳнат, билим, кўникма ва малака шаклланиши зарурлиги; бунинг учун қандай жиҳозлар, асбоблар, мосламалар кераклиги ва қанча миқдорда талаб қилинишини ҳамда меҳнат таълими дастури талабларини бажариш учун ўқувчилар меҳнат дарсларида қандай нарсаларни ясаши лозимлиги, шунга кўра, нарсаларни тайёрлашга қандай материаллар талаб қилиниши аниқ тасаввур қилинди. Олинган маълумотлар асосида меҳнат таълими дастуридан фойдаланган ҳолда режалаштирадиган тажриба-синов материаллари тайёрланди.

Ақли заиф ўқувчиларни касб-ҳунар танлашга йўллашдаги мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим вазифалар ҳал этилди:

- ўқувчиларнинг қизиқишлари, майли ва қобилиятлари, психофизиологик имкониятлари, жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги ўрганилди;

- уларнинг касблар ҳақидаги билимларини кенгайтиришга доир тадбирлар белгиланди;

- танланган меҳнат соҳасидаги амалий фаолиятнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг касбга қизиқишларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши аниқланди;

- мактабни битираётган ўқувчиларнинг касб-ҳунарга қизиқишини шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш юзасидан уларнинг касбий ишлаб чиқариш шароитларига кўникишларига доир тадбирлар белгиланди;

- ўқувчиларнинг ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида ўқишларини давом эттиришлари учун шарт-шароит яратилди.

Махсус мактабларда касб-ҳунар танлашга йўллаш самарали натижа бериши учун ушбу жараёни муайян тизим асосида қуришга эътибор қаратилди. Мазкур муассасаларда касб-ҳунар танлашга йўллаш тизими таълим жараёнини, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни, махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ўрганишни ҳамда касб-ҳунарга қизиқишларини таркиб топтиришни, ишга жойлаштириш ва касбга кўникишни ўз ичига олади.

Касб-ҳунар танлашга йўллаш тизимини ташкил этишда махсус ёрдамга муҳтож болаларни ишчи касбига йўллаш мақсади, мазмуни, ташкилий шакл ва методларининг ўзаро алоқадорлигига риоя қилинди. Ушбу тадбирлар махсус мактабларнинг маҳаллий шарт-шароитлари ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳридаги, Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани ва Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги махсус мактаб ва мактаб-интернатларда кузатиш, суҳбат ва саволнома орқали олиб борилган тажрибада жами 350 нафар (165 нафар қиз ва 185 нафар ўғил болалар) махсус мактаб, мактаб-интернатларнинг 4-9-синф ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабининг ўқувчилари катнашди.

Тажриба ишларини ташкил этишда саволномалардан фойдаланилди. Биринчи саволномада махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар меҳнат таълими дарсларини қай даражада ўзлаштириб келаётганлиги аниқланди. Ушбу саволнома орқали махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг бу соҳадаги билими

ва касб-хунарга доир тасаввурлари аниқланди. Бундай ўқувчилар билан ишлашда биз фойдаланган иккинчи саволнома ўқувчининг қандай замонавий касб-хунарга эга бўлиши кераклигини аниқлашга қаратилган эди.

Махсус мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг жавобларидан маълум бўлдики, уларга ўтилаётган ўқув предметларига нисбатан меҳнат ва жисмоний тарбия дарслари кўпроқ ёқар экан. Аниқроғи, уларнинг аксарияти чилангарлик, сартарошлик, ошпазлик, қандолатчилик, тикувчилик, ганчкорлик, токарлик, дурадгорлик, боғдорчилик, ҳайдовчилик каби соҳаларни алоҳида қайд этишган.

Тажиба жараёнида ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат бўйича мусобақалар, кечалар ташкил этилди. Қиз болалар учун каштачилик, кўйлак, фартуклар бичиш-тикиш, зардўзлик бўйича, ўғил болалар учун хунармандчилик, ҳайкалтарошлик, дурадгорлик, чилангарлик, қишлоқ хўжалик меҳнати бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу ишлар келгусида махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг касб-хунарни тўғри танлаши ва эгаллашига туртки бўлади.

Диссертациянинг «**Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш методикаси**» деб номланган учинчи бобида асосий эътибор махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштириш йўлларига, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда оила ва мактаб ҳамкорлиги масалаларига қаратилган.

Ўқувчиларнинг бошланғич касбий билим эгаллашлари учун уларга умумий меҳнат юзасидан маълумот берилди. Улар кенг жорий этилган асбоб-ускуналар, машиналар, маиший хизматга оид техника ва турли касб фаолиятлари билан таништирилди. Ўқувчилар оддий технологик жараёнда қўлланадиган усул ва шунга боғлиқ ҳаракат жараёнларини ўзлаштиришди. Бу ёшдаги ўқувчилар унча мураккаб бўлмаган материалларга ишлов бериш йўлларини ўзлаштиришда шу материаллардан мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва оила учун зарур бўлган фойдали маҳсулотлар тайёрлашни ҳам ўрганиб боришди.

Мактабнинг биринчи босқичидан бошлаб меҳнат таълими жараёнига аста-секин мураккаблашиб борадиган масалаларни мустақил ҳал қилиш элементлари, ўқувчилар фантазиясини ва техник фикрлашини ривожлантиришга қаратилган турли ўйинлар ва машқлар киритилди. Жойлардаги шароитга қараб махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар меҳнатининг турли соҳаларида - техник шаклларни лойиҳалаштириш, мактаб ўқув участкаларида тажиба ўтказиш имкониятлари яратилди.

Мактабнинг иккинчи босқичида меҳнат таълимининг асосий вазифаси махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда умумий меҳнатнинг касбий билимларини, конструкторлик, материалшунослик, электротехника, уй-хўжалигини олиб бориш, қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш соҳасида амалий билим ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлди.

Меҳнат таълими дастурининг асосий йўналишлари сифатида технология (материалларга ишлов бериш, ўсимликларни ўстириш ва ҳоказо), техника элементлари, ишлаб чиқариш ҳамда касб-хунар танлаш асослари тавсия

қилинди. Ўзлаштирилаётган меҳнат жараёнини танлаш ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг жинсига ва уларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, корхоналарнинг имкониятига ҳамда махсус мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчилари билан таъминланганлигига қараб амалга оширилди.

Махсус мактабнинг учинчи босқичида ҳам меҳнат таълими кўп вариантли бўлиши лозим. Бунда унинг турли шаклларини ташкил қилишда мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатидан, корхоналардаги ўқув цехлари ва участкаларидан, ишлаб чиқариш ва касб-ҳунар коллежлари ўқув устахоналаридан фойдаланилди.

Махсус мактабнинг 1-босқичида махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, интизом, жамоатчиликни тушуниши; 2-босқичда мустақиллик ва меҳнат фаоллигини англаб етиши; 3-босқичида эса ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг ижтимоий жавобгарлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Махсус мактаблар учун меҳнат таълими мазмунини ҳамда дастурий талабларнинг меҳнат турлари бўйича мураккаблик даражасини белгилашда, танлашда ушбу ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятининг шаклланиш хусусиятлари ҳисобга олинди. Ақли заиф болаларда меҳнат фаолиятининг шаклланиши ҳақидаги маълумотларни махсус мактабларнинг меҳнат таълими муаммосини ечиш учун етарли деб бўлмайди. Бироқ ишлаб чиқилган дастур бу муаммони ҳал қилишда самарали ёрдам берди.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларни меҳнат ва касб-ҳунарга тайёрлаш вазифаси фақат таълим жараёнида эмас, балки дарсдан ташқари олиб бориладиган ишларда ҳам амалга оширилди. Педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилган дарсдан ташқари ишлар махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга ва махсус мактаб дастурларини пухта ўзлаштиришга ёрдам берди. Шунингдек, мактабдан ташқари ишлар жараёнида ёрдамга муҳтож ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, аввало, уларни меҳнатни севишга, инсон меҳнатини қадрлашга, халқ миллий ҳунармандчилигини эъзозлашга ўргатди.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг меҳнат ва касб-ҳунар эгаси бўлиши ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини бойитишда уларга ўзбек халқининг меҳнатга оид анъаналарининг вужудга келиши, меҳнат ва касб-ҳунарларнинг турлари, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида кенгроқ маълумот бериш энг мақбул восита ҳисобланади. Бунда меҳнат ҳақидаги халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, топишмоқ ва эртақларни қўллаш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини бойитишга хизмат қилади. Ўқув жараёни ва дарсдан ташқари вақтда «Ўзбек халқ эртақларида меҳнат мавзулари», «Меҳнат ва ҳунар тўғрисидаги мақоллар ва ҳикматли сўзлар», «Ҳунарлар ва меҳнат қуроллари ҳақидаги топишмоқлар», «Ўзбек амалий безак санъатига доир кўرғазмалар» каби мавзуларда суҳбатлар уюштириш яхши натижалар берди.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда меҳнатга ижобий муносабатда бўлишни таркиб топтиришда қуйидагилар муҳим омил бўлди:

- берилган ишга муайян янгиликлар киритиб туриш;
- меҳнат ва касб-ҳунарнинг мақсадини тушунтириш;

- ўқувчиларнинг ташаббус ва мустақиллик кўрсатишларига имкон бериш;
- берилган вазифаларнинг алмашиб турилишига эришиш;
- ўқувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларини назарда тутиш;
- ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини якунлаб бориш кабилар.

Тажриба жараёнини ўтказишда дарсдан ташқари ишларнинг мақсади қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Тўғарак ишлари ва унумли меҳнат орқали ёрдамга мухтож ўқувчиларга бўлажак касбни илмий асосда танлашлари учун йўл очиш ва уларни маълум турдаги касб-хунарлар билан таништириш.

2. Ўқувчиларнинг танлаган касбига бўлган қизиқиши ва қобилиятларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан амалий фаолият уюштириш.

Махсус таълим муассасаларида ақли заиф ўқувчиларни касб-хунар танлашга йўллаш 1-4, 5-7, 8-9-синфлардаги ёш гуруҳлари бўйича ташкил этилди.

1-4-синфларда касб-хунар танлашга йўллаш ўқувчиларда ижтимоий бурчни шакллантиришдан, уларнинг хоҳиш-интилишларини аниқлашдан, айрим касбларнинг вакиллари ва ота-оналарининг касблари билан таништиришдан бошланди. Бу даврда корхона, муассаса ишчиларининг меҳнати ҳақида ҳикоя қилиб берилди, мактаб устахонаси ва тикувчилик хонасига экскурсиялар уюштирилди.

5-7-синф ўқувчилари ҳам меҳнатнинг айрим турларига нисбатан қандай талаблар қўйилишини билмайдилар. Уларда ўзига нисбатан танқидий муносабат ривожланмаган бўлади, ишга тақлид қилиш ҳисси устунлик қилади. Ўқувчиларнинг қизиқиши, асосан, меҳнат ва спорт машғулотларига қаратилган бўлади. Бу синф ўқувчилари билан байрам эрталиклари, турли касб вакиллари билан учрашувлар, кечалар ўтказилди. Ўқувчиларга кенг тарқалган касблар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тушунтирилди. Бу эса касб-хунарни онгли равишда танлаш заруриятини тушунишга олиб келди.

8-9-синф ўқувчиларида пайдо бўла бошлаган касбий майл ва қобилиятини ривожлантиришга доир ишларни режалаштириш лозим. Бу босқичдаги ўқувчиларни касб танлашга йўллаш бўйича олиб бориладиган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, асосан, қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Касб-хунарга қизиқишларини шакллантиришга оид шароитларни ва у билан боғлиқ умуммеҳнат билимлари, кўникма ва малакаларини ўрганиш, ўқувчиларнинг халқ хўжалигининг асосий тармоқларидаги касбларнинг намуналари билан таништириш;

2. Саноатда ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлаётган ходимларга нисбатан қўйилаётган талабларни ва мазкур соҳадаги касбга хос бўлган меҳнат кўникма ва малакаларни таркиб топтиришни ўрганиш;

3. Техникани ва оддий меҳнат куруллари тайёрлашни ўрганиш;

4. Ўқувчиларни ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатга, тўғарак ва тажриба ишларига жалб қилиш.

Махсус мактаблар негизида дарсдан ташқари машғулотларда ёрдамга мухтож болаларни халқ хунармандчилигининг моҳиятини чуқур англаб етишларига алоҳида эътибор берилса, унинг самарали шакл, усул ва

воситаларини тўғри танлаган ҳолда тадбирлар ташкил этилса, мазкур ўқувчиларда меҳнат қадриятлари орқали жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти ҳақидаги тушунчалар шакллантирилса, болаларнинг қизиқиши, жисмоний ва руҳий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлари, ёш даражалари ҳисобга олинса, улар тўғарақларга жалб этилса, махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда меҳнат ва касб-ҳунарга ҳавас ва қизиқиш туйғуси шаклланиб боради.

Шахснинг камол топишида асосан учта омил биологик, ижтимоий шарт-шароит ҳамда муҳит ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, кишининг маънавий қиёфаси, унинг феъл-атвори, воқеликка муносабати, дунёқараши ана шу уч омил туфайли шаклланади. Зотан инсоннинг баркамол инсон даражасига етишида ушбу уч омил бирдек муҳим аҳамиятга эга. Муайян сабабларга кўра бу омилларга, ҳатто уларнинг бирортасига амал қилмаслик шахс маънавиятига, тарбиясига салбий таъсир қилади.

Махсус ёрдамга муҳтож болаларда меҳнатсеварликни тарбиялашда халқ тарихий меросидан фойдаланишни, оғзаки ижод намуналарини, меҳнат қилиш, касб-ҳунар танлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни эсда тутиш лозим.

Бу соҳада мактаб ва оиланинг мустаҳкам алоқаси орқали кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

- махсус ёрдамга муҳтож болалар кичик ёшидан оқ уй-рўзғор ишларида иштирок этишлари;
- ота-оналар ўз фарзандлари билан меҳнат ва ҳунар ҳақида, унинг турлари ва инсон ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, меҳнатдан келадиган бахт ҳақида мунтазам суҳбат ўтказишлари;
- оилада ота-оналар меҳнатсеварликлари, ўз касбларини севишлари, ардоқлашлари билан фарзандларига намуна бўлишлари;
- махсус ёрдамга муҳтож болалар уй хўжалик ишларида, уй-рўзғор буюмларини, оддий асбоб-ускуналарни яшашда ота-оналарига кўмаклашиши;
- уй шароитида ота-оналар фарзандларида меҳнат аҳлига ҳурмат ҳиссини таркиб топтириши, ҳунарли киши хор бўлмаслигини ҳар қадамда тушунтириб боришлари лозим.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлиги**»га бағишланган. Бунда махсус таълим муассасаларида тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг самарадорлиги ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ишда тажриба-синов ишларининг моҳияти, таклиф этилаётган методика ҳақида ҳам сўз боради.

Тажриба-синов жараёнида ташкил этиладиган меҳнат таълими машғулотларининг имкониятлари жуда катта бўлиб, бу қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Меҳнатга психологик ва амалий тайёргарлик кўриш ақли заиф ўқувчиларда ҳар қандай меҳнат турига тайёр бўлишини назарда тутати. Ўқув устахоналари ва хизмат кўрсатувчи меҳнат хоналари ўқувчиларда умуммеҳнат характеридаги амалий кўникмаларни шакллантиришга имкон беради.

Умуммехнатга доир билим, кўникма ва малакалар махсус мактабни битириб чиқувчиларга ўз фаолиятларида муваффақиятли фойдаланиш имконини беради.

2. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда жамоавий меҳнат малакалари уларнинг қобилиятида, ижобий, ахлоқий одатларида ёрқин намоён бўлади, унда ҳақиқий ўртоқлик-дўстлик, ўзаро ёрдам, жамият манфаатини ёқлаш каби юксак маънавий жиҳатлар ривожланади ва мустаҳкамланади.

3. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда юксак меҳнат маданиятини тарбиялаш. Ўқув устахоналаридаги машғулотларда меҳнат маданияти деганда, нафақат ўқитувчи ва ўқувчи иш жойининг тўғри ташкил этилишини, балки меҳнат жараёнининг оқилона режалаштирилишини; материаллар, асбоблар, жиҳозлардан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланишни; унумли ва сифатли ишлашни; меҳнат билан дам олишни оқилона қўшиб олиб боришни ҳам тушуниш зарур. Бу жараёнлар ўқувчиларда аста-секин меҳнатга онгли муносабатда бўлишни таъминлайди.

4. Меҳнат таълими дарсларида ёрдамга мухтож ўқувчиларда меҳнатга оид кўникма ва малакаларни муваффақиятли шакллантириш ушбу жараёнда ижтимоий-фойдали характердаги буюмларни сифатли тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Махсус мактабларнинг ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технология элементларини татбиқ этиши, таълим-тарбия жараёнини режалаштириши, унинг натижасини олдиндан белгилаши, ташхис қилиши, кутилган натижани қўлга киритиши, вақт ва кучни тежаши учун катта имкониятлар яратилди. Машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлиги, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ошди ва ўқувчиларнинг талаби, истак-хоҳиши уларнинг имконияти даражасида қондирилди. Аниғи;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошди;
- ўқувчиларда эркин фикрлаш малакалари шаклланди;
- ўқувчиларнинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топа олишига шароит яратилди;
- ўқувчиларнинг меҳнат жараёнига эртароқ киришиш ва ташаббус кўрсатиш малакалари шаклланди.

Янги педагогик технологияларни махсус таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига олиб кириш ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва маҳоратини оширди. Ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини мустақил ўзлаштириши билим олишга бўлган эҳтиёжларини тарбияловчи усул ва воситаларни аниқ танлай олишга имконият яратди.

Тажриба-синов ишлари ўтказилган махсус мактаблар ва мактаб-интернатларда меҳнат таълими машғулотлари 2 босқичда:

1. Дастлабки тайёргарлик (1-4-синфлар).
2. Касб-хунар таълими (5-9-синфлар) олиб борилди.

Меҳнатга дастлабки тайёргарлик бошланғич синфларда амалга оширилган бўлса, юқори синфларда мутахассислик бўйича машғулотлар ўтилди.

Касб-хунар таълими босқичи умумий ривожлантирувчи йўналишга эга бўлиши зарур. Махсус мактабнинг амалиётида меҳнат таълимининг 2-босқичи касб-хунар йўналишига ўтиб боради. Бунинг сабаблари: биринчидан, таълимни мазмун жиҳатдан касб-хунарга (тикувчилик ва дурадгорлик ишига) ҳар томонлама тайёрлаш тушунилади. Иккинчидан, бунда асосий ролни меҳнат ўқитувчилари эгаллайди. Махсус мактаб ўқув устахоналари моддий таъминотининг суствлиги, мактабларнинг замонавий ишлаб чиқаришдан ажралиб қолганлиги меҳнат таълими даражасини пасайтиради.

Тажриба-синов ишларида касб-хунар таълимининг умумий таркибдаги муҳим бўғинлардан бири – махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг корхоналардаги ишлаб чиқариш амалиётига ҳам катта эътибор берилди. Махсус мактабнинг ўқув режасида мавжуд 8-9-синфлардаги ишлаб чиқариш амалиётига 4 ҳафтагача вақт ажратилган. Касб-хунар таълимига ишлаб чиқариш амалиётини киритган мактаблар тажрибаси амалиётнинг тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатди. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда меҳнатга ижобий муносабатнинг мустаҳкамланишида ишлаб чиқариш амалиётининг мақеи катта. Тажриба-синов жараёни ишлаб чиқариш амалиётини ўтган ўқувчиларнинг меҳнат имтиҳонларини муваффақиятли топширганлигини кўрсатди.

Тажриба-синов жараёнида махсус мактаблар касб-хунар таълимининг яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг энг самарали йўли таълим муддатини узайтиришдир. Таълим муддатини узайтириш махсус мактаб таркибини ўзгартириш имконини ҳам берди. Натижада:

- биринчидан, махсус мактабда ёрдамга муҳтож болаларни ўқитиш, махсус коррекцион (тузатиш) вазифаларга мувофиқлашиш осон кечди;
- иккинчидан, махсус мактаб тузилиши ёрдамга муҳтож болаларни меҳнат фаолиятига тайёрлашни юқори даражада таъминлади.

Таълим муддатини узайтириш умумтаълим фанлари бўлган она тили, математика, география, тарих фанлари дастури мазмунини ўзгартирмади. Асосий йўналиш махсус ёрдамга муҳтож болаларга умумтаълим билимларини бериш учун самарали методик йўлларни излашга қаратилди, у ўқувчиларнинг меҳнат таълими таркибига ўзгартиришлар киритди.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида педагогик тажриба ишлари бир неча босқичда амалга оширилди. 1998-2008 йилларда Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 66-, Яккасарой туманидаги 25-, Шайхонтоҳур туманидаги 37-махсус мактабларда, Ҳамза туманидаги 103-мактаб-интернатда, ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежида, Самарқанд шаҳридаги 62-, Каттақўрғон туманидаги 5-, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатларда ўтказилди. Тажриба-синов ишларида махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг 378 нафар ва ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежининг 288 нафар ўқувчилари иштирок этди.

Ўтказилган тажриба натижасида:

а) махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг модели ишлаб чиқилди;

б) ушбу жараёнда ўзбек халқи миллий анъаналаридан фойдаланиш принциплари ёритиб берилди;

в) бундай ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг самарали йўллари, қулай шарт-шароитлари ва касб танлаш мезонлари аниқланди;

г) махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашга доир илмий-методик тавсия, дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилди;

д) тажриба материалига киритилган дарс ва дарсдан ташқари ишланмалар ва ақли заиф ўқувчилар билан олиб бориладиган меҳнат, касб-хунар таълимига оид материаллардан яхлит фойдаланишнинг ўрни, ҳажми, мазмуни, шакл ва усулларига доир методик тавсияларнинг асослилиги ва самарадорлиги текширилди.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг меҳнат ва касб-хунарга оид билимлари ва тасаввурларини тўғри аниқлаш ҳамда тажриба ва назорат объектлари сифатида уларнинг ўзлаштириши, давомати, ҳулки ҳамда касб-хунарни тўғри танлай олиши бўйича кўрсаткичлари тахминан бир хил синфларни танлаш имконини берди. Тажриба ишлари махсус мактаб, махсус мактаб-интернат, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи ва оилага яхлит ёндашиш асосида ишлаб чиқилди.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг дастлабки ва якуний босқичлардаги саволнома бандларига берган жавоблари 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Ўқувчиларнинг анкета саволларига берган жавоблари (фоиз ҳисобида)

Т/р	Саволлар	Изоҳлаганлар		Изоҳлай олмаганлар	
		Дастлабки босқичда	Якуний босқичда	Дастлабки босқичда	Якуний босқичда
1.	Сизни меҳнат таълими дарслари қизиқтирадими?	63	92	37	8
2.	Мактабни тамомлагандан кейин меҳнат қилишни хоҳлайсизми?	72	93	28	7
3.	Мактабда касб-хунарни ўрганиш учун қайси фанларни чуқур ўзлаштириш керак?	62	86	38	14
4.	Сиз танлаган (ёқтирган) касбни эгаллаш учун ота-онангизнинг ёрдами зарурми?	64	88	36	12
5.	Иш тартибини биласизми?	58	84	42	16

Махсус мактаб ўқувчиларининг меҳнат ва касб таълимига қизиқишини ва меҳнатсевар инсонларга нисбатан ҳурматда бўлишини, ўзбек халқ ҳунармандчилиги - унинг турлари, пазандачилиги ҳақида маълумотга эга бўлишини кузатиш, аниқлаш, ўқувчиларда ўзбек халқ миллий анъаналарини ўрганиш борасида билим, кўникма ва малакалар шаклланганлигини, ўзидан катталар ишига ёрдам бера олишига ишонч ҳосил қилганлигини кўрсатди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг ўқитувчи-тарбиячилари билан ҳамкорликда шакллантирувчи тажрибалар жараёнида ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда қатнашувини, меҳнат дарси ва дарсдан ташқари сайр ва экскурсиялардаги, қизларнинг тикувчилик хоналаридаги, ўғил болаларнинг эса устахоналардаги меҳнатларини мақсадга мувофиқ кузатиш амалга оширилди.

Шунинг таъкидлаш лозимки, махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларни шакллантириш, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлишни кичик ёшдаги ўқувчилардан бошлаш тақозо этилади. Ўқитувчиларни ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, унумли меҳнатига раҳбарлик қилишга тайёрлаш ёшларни ҳаётга ва маҳсулдор меҳнат фаолиятига йўллаш демакдир. Тажриба жараёнида қуйидаги масалаларни ечишга ҳаракат қилдик:

1. Мавжуд методик қарашлар ва ёндашишларни таҳлил қилиш асосида меҳнат ўқитувчиларини ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга раҳбарликка тайёрлашнинг мақсади, мазмуни ва жараёнини назарий жиҳатдан ифодаловчи жамиятнинг ижтимоий буюртмаси талабларига жавоб бера олувчи педагогик тизим яратиш.

2. Қайд этилган бутун бир тизимда алоҳида фан ўқитувчиларига мос келадиган ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга раҳбарликка тайёрлашнинг умумий ва ўзига хос мазмунини, ҳажмини ва даражасини аниқлаш.

3. Ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга раҳбарлик қилувчи ўқитувчининг педагогик фаолиятини моделлаштириш ва унинг самарасини экспериментал усулда текшириш.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашдаги асосий педагогик мақсади қуйидагилар:

а) ўқувчиларга замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий асосини тушунтириш;

б) уларда умумкасбий билим ва кўникмаларни, илмий дунёқарашни шакллантириш;


в) ўқувчиларда меҳнат жараёнига нисбатан ижодий муносабатни ривожлантириш;

г) корхона ва хўжаликлар билан ижтимоий муносабатни йўлга қўйиш;

д) ўқувчи ёшларда ахлоқий фазилатлар ва инсонпарварликни шакллантириш.


Айтилганларни тадқиқотлар натижасида махсус мактабларнинг меҳнат таълими ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқилган профессиограммадан ҳам кўриш мумкин (1-расм).

Тажриба давомида махсус мактаб ва мактаб-интернатлар ўқувчиларининг



1-расм. Махсус мактаб касб таълими ўқитувчисига қўйиладиган талаблар профессиограммаси

Юқоридаги фикрлар асосида махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш модели

меҳнат ва касб-ҳунар таълими бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу мезонлар қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олди:

1. Меҳнат таълими дарсларига ўқувчининг қизиқиши.
2. Ўқувчиларнинг халқ ҳунармандчилигига муносабати (сифат ва миқдор кўрсаткичи).
3. Жамиятда мавжуд касб-ҳунарнинг қайси турларини ўқувчилар етарли даражада эгаллагани (миқдор кўрсаткичи).
4. Кундалик турмушда ишлатиладиган буюмларнинг қаердан келганлиги ва кимлар томонидан ясалганлигини билиши (сифат кўрсаткичи).
5. Ўқувчиларнинг катталар меҳнатига қизиқиши, меҳнат маҳсулотини кадрлаш туйғусининг шаклланганлиги (сифат кўрсаткичи).
6. Ўқувчининг меҳнатга оид халқ миллий анъаналарини билиши (миқдор кўрсаткичи).

Тажриба ишларининг якунловчи қисмида ўқув жараёни ва дарсдан ташқари фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича тажриба ва назорат синфларидаги кўрсаткичлар махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни кузатиш, текшириш, улар билан касб-ҳунарни эгаллаш бўйича ўтказилган синовлар ва ўқувчиларга берилган топшириқлар ҳамда улардан олинган материаллар билан тўлдирилди. Тажриба ишлари жараёнида савол-жавоб, суҳбат, кузатиш, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш каби методлар қўлланилди, олинган маълумотлар умумлаштирилди ва таққосланди.

Ўтказилган назорат маълумотларини ўрганиш натижасида тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг меҳнатга интилиши, касб-ҳунарни тўғри танлаши, халқ ҳунармандчилиги материаллари билан ишлашга қизиқиши, ишлаб чиқариш амалиётида ўзлари танлаган касбларни чуқур ўрганиши, меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириши маълум бўлди. Шунингдек, уларнинг техникани ва оддий меҳнат қуроллари тайёрлашни ўрганиши, иш жойини ташкил қилиши, бажариладиган вазифаларни режалаштириши, асбоблар ясаши, тайёр маҳсулот сифатини баҳолаши, турли материалларга ишлов беришни ўзлаштириши ва кундалик турмушда уларни ишлата билиши ўтказилган тажриба ишларида аниқланди.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг «Дурадгорлик» касбини эгаллаганлик даражалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг «Дурадгорлик» касбини эгаллаганлик даражалари (махсус мактаб ва мактаб-интернатлар)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Назорат	95	37	39,0	35	36,8	23	24,2
Тажриба	94	18	19,1	31	33,0	45	47,9

Демак, дурадгорлик касбини паст даражада эгаллаган тажриба гуруҳидаги ўқувчилар назорат гуруҳидаги ўқувчиларга нисбатан 20 фоизга кам, юқори даражадагилар эса 23,7 фоизга кўпдир.

Ўқувчиларнинг 22 нафари дурадгорлик касбини эгаллашда юқори натижага эришганлигини меҳнат таълимининг самарали ташкил этилганлиги билан асослаймиз.

Ўтказилган тажриба ишларида махсус ёрдамга мухтож ўқувчилар дурадгорликка оид билим олишларида умумий меҳнатга тегишли маълумотларни чуқурроқ эгаллашди. Улар асбоб-ускуналар, машиналар, маиший хизматга оид техника, дурадгорликда ишлатиладиган асбоблар билан яқиндан танишиб бордилар, оддий нарсаларни ишлаб чиқаришда қўлланадиган усул ва ҳаракатларни ўзлаштирдилар.

2-жадвалдаги маълумотларни математик-статистик усул ёрдамида қиёсий таҳлил қилиш мақсадида паст, ўрта ва юқори даражадаги касб эгаллаш натижалари шартли равишда 3, 4 ва 5 баҳоларга алмаштирилди. Назорат ва тажриба гуруҳларига мос ҳолда улар X_n ва X_t катталиклари билан белгиланди.

Тажриба-синов вариантдаги махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг дурадгорлик касбини эгаллаганликларини таққослаш мақсадида гуруҳларда олган баҳоларининг ўрта арифметик қиймати $\bar{x} = \sum x_i \cdot m_i / N$ дан (у ерда x_i - баҳо қиймати бўлиб, 3, 4 ва 5 қийматларини олиши мумкин; m_i -мос баҳоларнинг такрорланиш сони; N -тажриба ёки назорат гуруҳида иштирок этаётган ўқувчилар сони) ва самарадорлик коэффициентини ифодаловчи гуруҳлар баҳоларининг ўрта арифметик қиймати $\eta = X_t / X_n$ дан фойдаланилди.

Статистик танламалар ҳажми $N_n = 95$ ва $N_t = 94$ лар катта бўлганлиги сабабли нормал тақсимот жадвалида $d=0,9$ ишонч эҳтимолига мос критик нуқтани аниқлаймиз: $t_{кр}[0,9]=1,64$

Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати оралиғи $d=0,9$ ишончлилик эҳтимоли бўйича назорат гуруҳида $3,83 < X_n < 3,88$ тажриба гуруҳида $4,26 < X_t < 4,31$ эканлиги аниқланди. Бу тажриба гуруҳи назорат гуруҳидан 1,11 баробар самарадор эканлигини кўрсатди.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Кулолчилик» касбини эгаллаганлик даражалари 3-жадвалда келтирилган рақамларда ўз аксини топган.

3-жадвал

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Кулолчилик» касбини эгаллаганлик даражалари (махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Назорат	95	47	49,5	30	31,6	18	18,9
Тажриба	94	12	12,8	28	29,8	54	57,4

Маълум бўлдики, иккала гуруҳда ҳам кулолчилик касбини ўрта даражада эгаллаган ўқувчилар сони ўзаро анча яқин. Аммо касбни паст даражада

эгаллаган ўқувчилар сони 35 тага камайган бўлса, юқори даражада эгаллаган ўқувчилар сони 36 (38,5 %) тага кўпайган.

Бундай юқори натижаларга эришишнинг асосий омиллари қуйидагилар: махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларга берилган ҳар бир топшириққа янгилик киритиб борилди. Кулолчилик касби ва унинг мақсади тажриба-синов даврининг бошиданоқ ўқувчиларга чуқурроқ ва кенгроқ тушунтирилди. Уларнинг ташаббускорлиги ва мустақил фаолият кўрсатишига имконият яратилди, топшириқларнинг алмашилиб туришига эришилди ва меҳнат фаолиятининг натижалари узлуксиз таништириб борилди. Шунингдек, махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг ижодкорлиги, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ошди ва ўқувчиларнинг талаби, истак-хоҳиши имкониятларига қараб қондирилди. Ўқувчиларнинг ўқув меҳнатиغا нисбатан масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошди, жамиятда ўз ўрнини тезроқ топа олишига шароит яратилди, кулолчилик касбига қизиқиш, унга эртароқ эришиш, ташаббус кўрсатиш малакалари шаклланди.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг «Чилангарлик» касбини эгаллаганлик даражалари 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг «Чилангарлик» касбини эгаллаганлик даражалари (махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Назорат	95	33	34,7	39	41,1	23	24,2
Тажриба	94	14	14,9	36	38,3	44	46,8

Демак, назорат гуруҳида паст даражада чилангарлик касбини эгаллаган махсус ёрдамга муҳтож ўқувчилар сони 33 тани, тажриба гуруҳида эса 14 тани ёки 19 (19,8%) тага камайганлигини ва аксинча тажриба гуруҳида 21 (22,6 %) тага кўпайганлигини кўрамиз.

Тажриба ишларини ўтказиш жараёнида махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларга ясалаётган буюм ҳақида, унинг шакли, қисмлари, деталларини бирлаштириш усуллари ҳақида тушунча бериб борилди. Тажриба-синов ишлари даврида ўқувчилар чилангарликда ясаладиган буюмларни, уларнинг нусхасини расмда берилгани билан таққослашни, тайёрлашни ва керакли асбобларни топишни, ишлатишни ўргандилар. Деталларга ишлов бериш технологиясини бир гуруҳ ўқувчилар техник расмга қараб бажардилар, бошқа гуруҳ ўқувчилар эса нусхага қараб унинг моделини ясадилар. Буюм яшаш тугагандан сўнг ўқувчилар ўз ишлари ҳақида оғзаки ҳисобот беришни ўргандилар. Бу эса махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаётган ходимларга қўйилаётган талабларни ўрганишига ва уларда чилангарлик касбига хос кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга, юқори кўрсаткичларга эришишга олиб келди. Фикримизнинг далили сифатида

махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Пазандачилик» касбини эгаллаганлик даражалари 5-жадвалда келтирилган рақамларда ўз аксини топган.

5-жадвал

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Пазандачилик» касбини эгаллаганлик даражалари (махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Назорат	95	45	44,4	36	37,9	14	14,7
Таҷриба	94	14	14,9	34	36,2	46	48,9

Демак, назорат гуруҳида 47,4 (45 та) фоиз ўқувчилар паст даражада, 48,9 (46 та) фоиз ўқувчилар эса юқори даражада пазандачилик касбини эгаллаган.

Касб-хунарга психологик ва амалий тайёргарлик кўриш махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг ҳар қандай меҳнатнинг қизиқарли ва фахрли эканлигини тўғри англашига олиб келди. Таҷриба жараёни уларда жамоада меҳнат қилиш малакаларини оширишда, ижтимоий муносабатга киришишда, меҳнат маданиятини тарбиялашда, пазандачилик кўникма ва малакаларини шакллантиришда яхши натижалар берди. Машғулотларда махсус ёрдамга мухтож ўқувчилар иш жойини ташкил қилишни, ишнинг илғор усулларида фойдаланишни ўрганди. Шунингдек, улар технологик жараён тартибига амал қилишни, ёнғин хавфсизлиги ва ички тартиб-интизом қоидаларига тўлиқ риоя қилишни билиб олишди.

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Тикувчилик» касбини эгаллаганлик даражалари 6-жадвалда берилган.

6-жадвал

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Тикувчилик» касбини эгаллаганлик даражалари (махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Назорат	95	46	48,4	32	33,7	17	17,9
Таҷриба	94	20	21,3	30	31,9	44	46,8

Назорат гуруҳида махсус ёрдамга мухтож ўқувчилар сони 95 та бўлиб, булардан 46 (48,4 %) таси, таҷриба гуруҳида эса ўқувчилар сони 94 та бўлиб, улардан 20 (21,3%) таси паст даражада тикувчилик касбини эгаллашди.

Тикувчилик касбини таҷриба гуруҳидаги 44 (46,8 %)та ўқувчи юқори даражада ўзлаштирди. Демак, бу назорат гуруҳига қараганда 27 (28,9 %) тага кўп.

Таҷриба ишларини ўтказишда ўқувчиларни тикувчилик касбига тайёрлашда замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техник асослари, бозор

иқтисодиёти талаблари, тикув ишлаб чиқаришни ривожлантиришда берилаётган билимлар, уни ташкил этишдаги тегишли меъёрий ҳужжатларни ўқий олиш ва шу асосда ишлашни ташкил қилиш ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, ўқувчиларга қўл ва машина чокларини ҳосил қилиш учун мослама ва дастгоҳларни тайёрлаш, қўл чокларини тикиш қоидалари, дазмол билан ишлаш ва дазмоллаш усуллари, бичиш ва тикиш, ўзбек миллий каштачилиги, нақш ва уларнинг турлари, зардўзликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, тикувчилик буюмларини моделлаштириш, газлама турларини ажратиш, сифатини аниқлаш, шаблонларни қирқиб тайёрлаш кабилар ҳам тушунтирилди. Бу жараёнлар ўзининг ижобий натижасини берди.

Ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг «Кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси» мутахассислигини эгаллаганлик даражалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси» мутахассислигини эгаллаганлик даражалари (ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежи)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Тажриба	47	4	8,5	17	36,2	26	55,3
Назорат	48	15	31,3	21	43,7	12	25,0

Демак, тажриба гуруҳидаги паст даражада «Кенг ассортиментдаги кўйлақлар тикувчиси» касбини эгаллаган ўқувчилар сони 4 та бўлиб, булар назорат гуруҳига қараганда 3,75 баробар кам, юқори даражада эгаллаган ўқувчилар эса 26 та бўлиб, улар 2,17 баробар кўпдир.

Ўтказилган тажрибалар ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш, таълим-тарбия жараёнини олдиндан режалаштириш, вақт ва кучни тежаш учун катта имкониятлар яратди. Меҳнат таълими вазифаси фақат меҳнатни эгаллашда ўқувчилар билимини такомиллаштиришдангина иборат эмас, балки махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилишдан, замонавий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан таништиришдан, уларни ишчилар жамоасига яқинлаштиришдан, тикувчилик касбига нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашдан, шахсий хусусиятларини тўғри баҳолашдан ҳам иборат эканлигини тажрибалар тасдиқлади.

Ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг «Ошпаз-қандолатчи» мутахассислигини эгаллаганлик даражалари 8-жадвалда келтирилган рақамларда ўз аксини топган.

**Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг «Ошпаз-қандолатчи»
мутахассислигини эгаллаганлик даражалари (ихтисослаштирилган саноат
касб-хунар коллежи)**

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Д а р а ж а л а р					
		паст		Ўрта		юқори	
		сонда	%	сонда	%	сонда	%
Тажриба	96	8	8,3	24	25,0	64	66,7
Назорат	97	32	33,0	43	44,3	22	22,7

Демак, 32 та махсус ёрдамга мухтож ўқувчи «Ошпаз-қандолатчи» касбини паст даражада эгаллаб, улар тажриба гуруҳига нисбатан 4 баробар кўп. Аксинча юқори даражада эгаллаган ўқувчилар эса 64 та бўлиб, булар 3 баробарга кўплиги маълум бўлди.

«Ошпаз-қандолатчи» машғулотларида махсус ёрдамга мухтож ўқувчилар меҳнат жараёнини оқилона режалаштиришни, пазандачилик учун иш ўрнини ташкил этишни, ошпазликда ва қандолатчиликда қўлланиладиган жиҳозларни, техника хавфсизлиги талабларини, таомлар тайёрлаш технологиясини, миллий таомларини тайёрлашни, жиҳозлардан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланишни, унумли ва сифатли ишлашни, меҳнат билан ҳордиқ чиқаришни қўшиб олиб боришни ўрганди.

Ўтказилган тажрибалар натижасида махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда ўзидан катталарга ҳурмат ва уларга ғамхўрлик қилиш, меҳнатсеварлик ва меҳнат топшириқларини бажаришда масъулиятни англаш, жамоат ишларида фаол қатнашиш, халқнинг миллий анъаналарига риоя қилиш, ўқув-меҳнат фаолиятини ривожлантириш, касб-хунар танлашга муҳаббат туйғуси кабилар шаклланди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида қўлланган методлардан олинган маълумотлар ўрганилди ва умумлаштирилди. Тажриба якунида тажриба синфларининг ўқувчилари яхшироқ, кўпроқ натижаларга эришганлиги маълум бўлди. Назорат синфларидаги ўқувчилар берилган вазифаларни пухтароқ ўзлаштиришига, уларни тўлиқ тушунтира олишига, ҳаётда, меҳнат қилишда ва касб танлашда қўллай олишига ишонч ҳосил қилинди. Олинган маълумотлар, ўтказилган тажрибалар ўзини тўла оқлаганини кўрсатди. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш бўйича тавсия этилган ва қўлланган концепция ижобий самара берди. Тажриба натижаларининг ижобийлиги, мақсадга мувофиқлиги математик-статистик маълумотлар билан ҳам тасдиқланди.

3. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-ҳунарга қизиқтириш ва тайёрлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги **хулосага** келинди:

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни фан асослари, касбий меҳнат кўникма ва малакалари билан қуроллантириш, уларни фаол меҳнат ва ижтимоий фаолиятда касб-ҳунарни онгли равишда танлаш, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга тайёрлаш шу куннинг долзарб муаммосидир;

- уларни меҳнат таълими асосида касб-ҳунарга тайёрлашда уларга мустақил ишлашга имконият яратиш лозим. Бунинг учун ўқувчида мустақил фаолият кўрсатишга интилиш, рағбат уйғотиш ва бу жараёни босқичма-босқич меҳнат фаолиятига боғлаб олиб бориш, буларни ўқувчиларда махсус руҳий ҳаракатларни шакллантириш билан уйғун ҳолда амалга ошириш зарур бўлади;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятида ижобий натижаларга эришишида ўз-ўзини назорат қилишнинг ва ишчи ҳаракатларини шакллантириб боришнинг мақсадга мувофиқлиги амалда намоён бўлди;

- бу муҳим вазифаларни амалга ошириш меҳнат воситасида ўқувчиларнинг касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш билан бирга умумтаълим фанлари мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни ўқитишнинг самарали метод ва усуллари излаб топишга йўллади;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг меҳнат таълими дарсларини, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларни ўзига хос ташкил этиш, унинг мазмунини бойитиш, уларни таълим жараёнида тарбиялаб бориш, ўқув вақтидан унумли фойдаланиш, устахона ашёларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, энг муҳими бу талабларнинг ўқувчилар соғлиғини яхшилашга, жисмоний ва руҳий камчилигини тўғрилашга қаратилиши, ўқувчиларнинг меҳнатга ва касб-ҳунарга маънавий-ахлоқий тайёр бўлишга эришишда муҳим аҳамият касб этади;

- махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнатга ва касб-ҳунарга тайёрлаш босқичма-босқич амалга оширилди. Бу борада ҳар бир ўқувчининг жисмоний ҳамда руҳий нуқсонларини тузатиб боришга асосий эътибор қаратилди;

- тадқиқот натижалари махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни камол топтиришда меҳнат ва касб-ҳунар тарбиясининг ўзаро уйғунлиги ва ўзаро таъсир этиши ҳақидаги фаразизмининг асосли эканлигини кўрсатди;

- меҳнат таълими машғулотларида дастурий материаллар билан миллий анъаналарни уйғунлаштиришда ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, китоб билан ишлаш, намоиш қилиш, сайру саёҳатлар, кўргазмалилик, мустақил ишлар, ўқув кабинетлари, устахоналар, уй-рўзғор буюмлари, касб-ҳунар таълимидан амалий ишлар, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат, изланиш фаолияти, халқ ҳунарамандчилигидан фойдаланиш кабиларнинг яхши самара беришини тажрибалар тасдиқлади;

- тадқиқот натижалари, хулосалари махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда табақали ёндашув туфайли миллий анъана ва қадриятлар руҳида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларни педагогик, дефектологик ва психологик жиҳатдан ҳаётга тайёрлаш, тарбиянинг турли шакл, метод, воситаларини танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқот жараёнида махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан муайян **педагогик тавсиялар** тайёрланди:

1. Махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия тизими миллийлаштирилиши, ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигининг моҳиятини чуқур англаб етишларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

2. Меҳнат таълими ўқитувчилари таълим-тарбиянинг самарали шакл, метод ва воситаларини тўғри танлаган ҳолда машғулотларни ташкил этиши муҳим саналади. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда меҳнат қадриятлари орқали жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти ҳақидаги тушунчаларнинг шакллантирилишига уларни касб-ҳунарга тайёрлашда онгли тасаввурларнинг пайдо бўлишига ёрдам бериш зарур.

3. Оила шароитида ота-оналар, катталар, кўни-қўшни, маҳалла-куй томонидан ўқувчиларни миллий ҳунармандчиликнинг муайян турига жалб этиш орқали касб-ҳунарга тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

4. Ўқувчиларни махсус тўғаракларга жалб қилишда уларнинг қизиқиши, жисмоний ва руҳий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини, ёш даражаларини ҳисобга олиш лозим.

5. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларга меҳнат қилишлари учун ҳафтадаги хоҳлаган кун ва соатни танлаш ҳуқуқини бериш, меҳнатнинг турларини янада кўпайтириш зарур.

6. Ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ҳар бир вилоят, туманда мувофиқлаштириш ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар тармоғини кенгайтириш тавсия этилади.

7. Махсус мактабларнинг қўйи ва юқори синфлари учун ҳудудий, миллий меҳнат анъаналарини ҳисобга олган ҳолда махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлашига эътиборни кучайтириш, махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларда меҳнатсеварликни тарбиялашга доир илмий-методик тавсия, дастур ва қўлланмаларни яратишни йўлга қўйиш лозим.

8. Махсус мактабларнинг илғор ўқитувчи ва тарбиячиларининг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида илмий-назарий, амалий ва методик анжуманлар ташкил этиб, натижаларини таҳлил қилиб бориш тавсия этилади.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография, дарслик, ўқув қўлланмалар ва журналлардаги илмий мақолалар

1. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш. Монография.- Тошкент, Фан. 2005. - 140 б.

2. Ҳакимова М.Ф., Рахмонова В.С. Махсус мактаб интернат (мактаб)ларда тарбиявий ишларни уюштириш ва режалаштириш. /Методик тавсиянома.- Тошкент, РТМ. 1998. -27 б.
3. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактабларда таълим-тарбиянинг педагогик асослари Ўқув қўлланма. - Тошкент, Меҳнат. 2000. -94 б.
4. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактаб-интернат (мактаб)ларда тарбиявий ишлар дастури. - Тошкент, РТМ. 2003. -30 б.
5. Ҳакимова М.Ф. Касб-ҳунар мактабларида «Ошпаз-қандолатчи» мутахассислигига тайёрлаш. /Методик тавсиянома. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги ЎМК. 2004. - 58 б.
6. Ҳакимова М.Ф. Касб-ҳунар мактабларида «Кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси» мутахассислигига тайёрлаш. /Методик тавсиянома. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги ЎМК. 2004. - 52 б.
7. Ҳакимова М.Ф. Подготовка по специальности «Повар-кондитер» в специальной профессиональной школе. /Методическая рекомендация. – Ташкент, УНБ имени Алишера Навои. 2004. - 51 с.
8. Ҳакимова М.Ф. Подготовка по специальности «Портной по пошиву одежды широкого ассортимента» в специальной профессиональной школе. /Методическая рекомендация. – Ташкент, УНБ имени Алишера Навои. 2004. - 52 с.
9. Ҳакимова М.Ф., Дроздова Г., Ҳамидова М. Қўл меҳнати Ёрдамчи мактабларнинг 1-2 синфлари учун дарслик. - Тошкент, ИЛМ- ЗИҲО. 2007.-111 б.
10. Ҳакимова М.Ф., Дроздова Г., Ҳамидова М., Ғуломова Д. Қўл меҳнати Ёрдамчи мактабларнинг 3-4 синфлари учун ўқув қўлланма.- Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. - 111 б.
11. Ҳакимова М.Ф. «Одобнома» дарсларида меҳр-мурувват тарбияси //Халқ таълими. - Тошкент, 2001.-№3. – Б. 32-34.
12. Ҳакимова М.Ф. Компенсациялашган таълим - янги йўналиш //Халқ таълими. – Тошкент, 2001.-№6. – Б. 27-29.
13. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактабларда мустақил таълим //Халқ таълими. - Тошкент, 2002.-№3. – Б. 33-36.
14. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга муҳтож болаларни мактаб ва мактабдан ташқари шароитда касб-ҳунарга кизиқтириш йўллари //Халқ таълими. – Тошкент, 2002. -№4. – Б.17-19.
15. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактаб шароитида ақли заиф ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш босқичлари //Педагогик таълим. - Тошкент, 2002.-№6.- Б.64-66.
16. Ҳакимова М.Ф. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бор болаларни меҳнатга ва касб-ҳунарга тайёрлаш //Халқ таълими. - Тошкент, 2002. -№6.- Б.82-85.
17. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактабларда меҳнат таълимини ташкил этиш //Педагогик таълим. – Тошкент, 2003. -№1.- Б.80-82.
18. Ҳакимова М.Ф. Ўқувчиларга касб-ҳунар таълими бериш //Халқ таълими. – Тошкент, 2003.-№4. – Б. 45-48.

19. Ҳакимова М.Ф. Возможности обучения профессиональным навыкам в спецшколах // Халқ таълими. – Тошкент, 2003. -№5. – С. 158-160.
20. Ҳакимова М.Ф. Меҳнат таълими машғулоти мазмуни. //Халқ таълими. – Тошкент, 2003.- №6. – Б. 161-164.
21. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга тайёрлашнинг педагогик талаблари //Педагогик таълим. – Тошкент, 2004. -№1. - Б. 92-93.
22. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш //Халқ таълими. – Тошкент, 2004. -№2. – Б. 57-59.
23. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга муҳтож болаларни ривожлантиришда меҳнатнинг ўрни //Педагогик таълим. – Тошкент, 2004. -№4. – Б. 95-98.
24. Ҳакимова М.Ф. Таълим жараёнида меҳнат тарбиясини амалга ошириш //Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2004. -№4.- Б. 98-105.
25. Ҳакимова М.Ф. Основные направления работы по трудовому воспитанию детей с особыми нуждами //Халқ таълими. – Тошкент, 2004. -№5. – С. 147-150.
26. Ҳакимова М.Ф. Махсус мактабда меҳнат таълимини ташкил этиш //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2006.-№3. – Б. 43-47.
27. Ҳакимова М.Ф. Пути трудовой и профессиональной подготовки учащихся, нуждающихся в особой помощи //Хабаршы вестник «Арнайы педагогика» сериясы. Серия «Специальная педагогика». - Алматы, 2007.- №2 (11) - С. 50-59.
28. Ҳакимова М.Ф. Методы усовершенствования профессиональной подготовки учащихся, нуждающихся в особой помощи //Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. - №1. – С. 130-136.
29. Ҳакимова М.Ф. Программы профессиональной подготовки учащихся, умственно отсталых детей //Объединенный научный журнал. – Москва, 2009. - №11. – С. 35-38.
30. Ҳакимова М.Ф. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда меҳнат дарсларини ташкил этиш йўллари //Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2008. - №6.– Б.9-10.
31. Ҳакимова М.Ф. Болаларни касб-хунарга тайёрлашда меҳнат анъаналаридан фойдаланиш //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2008. -№3. – Б. 63-66.

Илмий ишлар тўплами ва тезислар

32. Ҳакимова М.Ф. Возможности обучения профессиональным навыкам на уроках и во внеурочное время //Социально-гуманитарные проблемы современности. Сборник научных трудов ЮРГУЭС. - г.Шахты (Россия), 2008. – С. 72-74.
33. Ҳакимова М.Ф. Ёрдамчи мактабларда таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш йўллари //ТДТУ Олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1998. – Б. 78-83.

34. Ҳакимова М.Ф. Ёрдамчи мактабларда таълим ишларини ташкил этиш йўллари //ТДТУ Олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1998. –Б. 3-6.
35. Ҳакимова М.Ф. Ақли заиф болаларни соғломлаштириш //НДПИ Илмий мақолалар тўплами. – Навоий, 2000. -Б. 14-19.
36. Ҳакимова М.Ф. Баркамол шахс тарбиясида оиланинг тутган ўрни //НДПИ Илмий мақолалар тўплами. – Навоий, 2000. –Б. 20-25.
37. Ҳакимова М.Ф. Узлуксиз таълим тизимида дефектолог-ўқитувчилар малакасини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари // «Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. – Б.101-102.
38. Ҳакимова М.Ф. Меҳнат таълими ўқитувчилари касбий тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари // «Ёш истиқболли педагог ва илмий кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 147-150.
39. Ҳакимова М.Ф. Нутқ ва меҳнат фаолиятининг ўзаро алоқадорлиги // «Ўзбек тили» доимий саккизинчи йиғилишнинг материаллари. - Тошкент, 2005. – Б.146-147.
40. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш имкониятлари. // «Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг педагогик асослари» мавзусидаги Республика амалий семинарининг материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 52-54.
41. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга тайёрлашга қўйиладиган талаблар. // «Таълимнинг узлуксизлигини таъминлашнинг ташкилий-педагогик асослари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б.73-76.
42. Ҳакимова М.Ф. Алоҳида ёрдамга мухтож ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашнинг педагогик хусусиятлари //Замонавий малакали кадрлар – миллий тараққиёт омили ОПИ Республика илмий-услубий анжуман материаллари. Тошкент, 2007. – Б. 130-133.
43. Ҳакимова М.Ф. Возможности профессиональной подготовки детей, нуждающихся в особой помощи. // Взаимодействие цивилизации. Вестник Ошского Государственного университета. Специальный выпуск. V-международная научная конференция. – Ош, 2008. – С.171-173.
44. Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда оиланинг ўрни. // «Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2008. -Б. 79-80.

Педагогика фанлари доктори илмий даражасига талабгор Ҳакимова Муҳаббат Файзиевнанинг 13.00.03 - Махсус педагогика ихтисослиги бўйича «**Махсус**

ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг педагогик асослари» (ақли заиф ўқувчилар мисолида) мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: касб-хунарга тайёрлаш, ақли заиф ўқувчилар, касб-хунар, маслаҳат, коррекцион ривожлантириш, меҳнат анъаналари, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат, хунармандчилик, коррекция, меҳнат таълими ўқитувчиси, профессиограмма, махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш модели, психологик-педагогик таъхис.

Тадқиқот объекти - махсус мактабларнинг 4-9-синф ўқувчилари ва ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежининг 1-2-босқич ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш жараёни.

Ишнинг мақсади - махсус ёрдамга мухтож ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари ва самарали тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: педагогик тажриба-синов; савол-жавоб, суҳбат, сўровнома, кузатиш; математик-статистик таҳлил; натижаларни умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистон Республикасида биринчи марта ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари, махсус мактаблар ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-назарий, амалий, методик жиҳатлари ишлаб чиқилди ва самарали тизими яратилди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртининг дефектология йўналиши бўйича бакалаврларда «Олигофренопедагогика», «Олигофренопсихология», «Меҳнатга ўқитиш махсус методикаси», «Психик ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бор болалар диагностикаси» фанларини ўқитишда, махсус курс ва семинарларни ўтказишда, мазкур соҳа бўйича Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида, ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва махсус мактаблар учун дастур ва дарсликлар тайёрлашда, олимлар ҳамда халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, диссертация ишининг натижалари ва хулосалари ушбу муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттиришда хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация ҳолатлари, олинган натижалар, илмий хулосалар ва тавсиялар илмий-методик ишларимизда ёритилган, илмий-амалий анжуман материалларида ўз аксини топган. Яратилган дарсликлар, методик қўлланмалар, тавсиялар ва дастурлар ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежларида, махсус мактаблар ва махсус мактаб-интернатларнинг ўқув жараёнларида самарали қўлланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликлари тасарруфидаги ўқув муассасалари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Хакимовой Мухаббат Файзиевны на тему: **«Педагогические основы профессиональной подготовки учащихся, нуждающихся в особой помощи» (на примере умственно отсталых учащихся)** на соискание ученой степени доктора педагогических наук по специальности 13.00.03 - Специальная педагогика

Ключевые слова: профессиональная подготовка, умственно отсталые учащиеся, консультация, профессия, коррекционное развитие, трудовые традиции, общественно полезный и производительный труд, кустарный промысел, коррекция, профессиограмма, учитель по труду, трудового воспитания, модель профессиональной подготовки учащихся, нуждающихся в особой помощи, психолого-педагогический анализ.

Объект исследования: процесс профессиональной подготовки учащихся 4-9 классов специальных школ и учащихся 1-2 ступеней специализированных промышленных профессиональных колледжей.

Цель работы: разработка научно-теоретических основ и эффективной системы профессиональной подготовки умственно отсталых учащихся, нуждающихся в особой помощи.

Методы исследования: педагогический эксперимент, опрос, собеседование, вопросник, наблюдение; статистико-математический анализ; обобщение результатов.

Полученные результаты и их новизна: впервые в Республике Узбекистан разработаны научно-теоретические, практические и методические аспекты и создана эффективная система профессиональной подготовки учащихся специализированных профессиональных колледжей, специальных школ трудового воспитания и специальных школ-интернатов.

Практическая значимость: Материалы исследования могут быть использованы в высших учебных заведениях при обучении бакалавров таким дисциплинам, как «Олигофренопедагогика», «Олигофренопсихология», «Специальная методика трудового обучения», «Диагностика детей с дефектами психического и физического развития», при проведении спецкурсов и семинаров, на курсах повышения квалификации и переподготовки учителей и воспитателей по данной области в центральном институте переподготовки и повышения квалификации работников народного образования имени А.Авлани, при подготовке учебных программ и учебников для специализированных профессиональных колледжей и специальных школ трудового воспитания, а также широко использованы учеными, работниками народного образования и учителями. Результаты и выводы диссертационной работы могут послужить предпосылкой для дальнейших исследований в этой области.

Степень внедрения и экономическая эффективность. Идеи диссертации, полученные результаты, разработанные научные рекомендации и выводы освещены в научно-методических работах диссертант нашли отражение в материалах научно-практических конференций; разработанные учебники, методические пособия, методические рекомендации и программы применяются в учебных процессах специализированных промышленных профессиональных колледжей, специальных школ трудового воспитания и специальных школ-интернатов.

Область применения: учебные заведения, находящиеся в ведении Министерств высшего и среднего специального и народного образования.

RESUME

Thesis of Khakimova Mukhabat Fayzievna on the scientific degree competition of the doctor of Pedagogical sciences on speciality 13.00.03 - Special pedagogics on the subject: «**Pedagogical principles of professional training of pupils who need in special assistance**» (for instance of backward pupils).

Key words: professional training, backward pupils, recommendation due to profession, correction growth, labour traditions, public useful and productive labour, hand-made trade, correction, professiongramme requirements demanding to a teacher of Labour training, model of professional training of pupils who need in special help, mental and pedagogical analysis.

Subject of research: the process of professional training of pupils of 4-9 forms in the special schools and pupils of 1-2 courses of specialized industrial professional colleges.

Purpose of work: work out the scientific and theoretical principles and effective system of professional training of backward pupils who need special help.

Methods of research: studying and theoretical analysis of scientific and pedagogical, psychological and methodical literature: pedagogical experiment, questioning, interview, questionnaire, observing, statistical and mathematics analysis, generalizing results,

The results obtained and their novelty: For the first time the scientific and theoretical, practical methodical aspects were worked out and the effective system of professional colleges, special schools of Labour training and special schools – boarding schools in the Republic of Uzbekistan.

Practical value: The research materials may be used in higher educational establishments in the time of teaching bachelors such subjects as «Oligofrenopedagogics», «Oligofrenopsychology», «Special methods of Labour training», «Diagnostics of children with defect of mental and physical growth», in the time of conducting special courses and seminars, in the courses of raising of qualifications and training teachers and educators in this sphere in the central institute of training and raising of qualifications of clerks of national education named after A.Avlany, in the time of preparation of the educational programme and textbooks for the specialized professional colleges and special schools of Labour training. The research materials have been used by scientists and also the clerks of national education and teachers. Also the results and conclusions of the dissertation work may serve the precondition for further research in this sphere.

Degree of embed and economic effectivity: Idea of dissertation which achieved results worked out the scientific recommendations and conclusions have been interpreted in our scientific and methodical work; they have been shown in the materials of scientific and practical conferences; textbooks, manuals were worked out, the methodical recommendation and programmes have been used in the educational process of specialized industrial professional colleges, special schools-boarding schools.

Field of application: educational establishments, Ministry of higher and secondary special education of the Republic of Uzbekistan and national education.